


## “ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси Экология,  
атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари

Ж. Казбеков

2025 йил “ 23 ” май

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи экспертлар  
Кенгашининг йиғилиш

4 - Баёни

2025 йил 23 май

Тошкент шаҳар

Раислик қилувчи: **Ж. Казбеков** Ўзбекистон Республикаси Экология,  
атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги ўринбосари.

Қатнашдилар: “Grand road materials” масъулияти чекланган  
жамияти, “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси,  
вакиллари, Экспертлар кенгаши аъзолари:  
З.М.Сатторов, У.А.Содиқова, К.Бухоров,  
Р.И. Раззаков, В.В. Ши-сян, А.В. Жданов,  
М.С.Малышев, Д. Махмудов.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Тошкент шаҳар суднинг 2025-йил 3-февралдаги 1195-сон мурожаатига асосан, “Grand road materials” масъулияти чекланган жамиятининг фаолият тури атроф-мухитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш тўғрисида;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди иктисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 25 апрелдаги ажримига асосан, “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси давлат экологик экспертизаси ҳулосасиз фаолиятни олиб борганлиги учун компенсация ҳисоблари асослигини аниқлаш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан раислик қилувчи Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари Ж.Казбеков Кенгаш йиғилишини очиб, Тошкент архитектура-қурилиш университети, қурилиш ва атроф-мухит муҳандислиги кафедраси профессори З.Сатторов, Тошкент давлат аграр университети вакили К.Бухоров, “ТИҚХММИ” МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори Р.Раззаков, Ирригация ва сув

муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири У.Содиқовалар онлайн тарзда ZOOM орқали иштирок этаётганлиги ва хулоса қабул қилиш учун етарли кворум бўрлигини маълум қилиб, кун тартибини эълон қилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан Тошкент шаҳар суднинг 2025-йил 3-февралдаги 1195-сон муурожаатига асосан, “Grand road materials” масъулияти чекланган жамиятининг фаолият тури атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш ҳақидаги муурожаати кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, экспертлар Кенгашининг йиғилишида “Grand road materials” масъулияти чекланган жамиятини вакилари (ZOOM орқали катнашилди) томонидан корхона фаолияти, шартнома асосида олиб келинаётган тошларни майдалаб асфальтобетон ишлаб чиқариш билан шуғилланаётганлиги бўйича тушунтириш берилди, уларнинг таъкидлашича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорини 1-иловасига асосан, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг 3-тоифаси 11-банди (норуда фойдали қазилмаларни қайта ишлаш (фойдали қазилма қонлари бундан мустасно) корхоналари)га мослиги кўрсатиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь фикр билдириб, “Grand road materials” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарори 1-иловаси 18-бандига (қурилиш саноати корхоналари, асбест ва цемент ишлаб чиқариш бундан мустасно) мувофиқ, корхона атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II -тоифасига мансуб эканлигини билдириб, экспертлар кенгаши аъзоларидан ҳолат юзасидан фикр билдиришларини таклиф қилди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллаб, “Grand road materials” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II-тоифасига мансуб эканлигини маълум қилишди.

Шунингдек, қурилиш саноатига қирувчи фаолият турлар рўйхатини “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмасидан олиши мумқунлигини тушунтириб ўтди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди иктисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 25 апрелдаги ажримига асосан, “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси давлат экологик экспертизаси ҳулосасиз фаолиятни олиб борганлиги учун компенсация ҳисоблари асослигини аниқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Экспертлар кенгашида ZOOM орқали “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси вакилари ҳамда Тошкент шаҳар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг юристконсулт Шукуров Ғ. катнашган.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази экологик экспертизасини ўтказиш бошқармаси бош эксперти А.Жданов

фикр билдириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори 2-иловасининг 18-бандида Экспертлар кенгашининг асосий вазифалар ҳақида йиғилиш иштирокчиларига ахборот берди.

Бунда: давлат экологик экспертизаси ўтказилаётган объектларни фаолият турлари бўйича таснифлаш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш; ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш; давлат экологик экспертизаси хулосаларининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш; буюртмачиларнинг давлат экологик экспертизаси органлари юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш; экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг амалий қўлланиши жараёнида буюртмачилар ҳамда ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари ўртасида юзага келувчи баҳсли масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь фикр билдириб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди иктисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 25 апрелдаги ажримиға асосан, “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси давлат экологик экспертизаси хулосасиз фаолиятни олиб борганлиги учун компенсация ҳисобларни асослигини ҳамда компенсация тўлов миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ҳисобланганлиги Экспертлар кенгаши ваколатларига кирмаслигини ва Экспертлар кенгаши йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилмаслигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ушбу масалага аниқлик киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тушумларни мониторинг қилиш ва ундирувга қаратиш бўлимиға мурожаат қилиниши лозим.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича доимий фаолият юритувчи Экспертлари кенгаши тўғрисидаги Низомға асосан, тўпланган ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Экспертлар кенгаши қуйидагича:

## **ХУЛОСА ҚИЛАДИ:**

1. “Grand road materials” масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига 1-илова “Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият

турларининг рўйхати”га мувофик, атроф-мухитга таъсир кўрсатишнинг II-тоифаси 18-бандига (қурилиш саноати корхоналари, асбест ва цемент ишлаб чиқариш бундан мустасно) мансуб эканлиги маълум қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди иктисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 25 апрелдаги ажримига асосан, “Mumtoz Premium” хусусий корхонаси давлат экологик экспертизаси хулосасиз фаолиятни олиб борганлиги учун компенсация хисоблари асослигини аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори 2-иловасининг 18-бандига асосан, Экспертлар кенгаши ваколатларига кирмаслиги белгилансин.

5. Экспертлар кенгаши баённомаси нусхаси маълумот учун манфаатдор томонларга етказилсин.

Тошкент архитектура-қурилиш университети  
Қурилиш ва атроф-мухит муҳандислиги  
кафедраси профессори

 **З.М.Сатторов**

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот  
институтини “Гидроэкология ва сув ресурсларини  
муҳофаза қилиш лабораторияси мудири

 **У.А.Содиқова**

Тошкент давлат аграр университети  
Экология ва ботаника кафедраси  
мудири, доценти

 **К.Х.Бухоров**

ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини  
бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,  
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори

 **Р.И. Раззаков**

Давлат экологик экспертизаси маркази  
Бош директорининг ўринбосари-Давлат  
экологик экспертизасини ўтказиш  
бошқарма бошлиғи

 **В.В. Ши-сян**

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат  
экологик экспертизасини ўтказиш бошқармаси  
бош эксперти

 **А.В. Жданов**

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат  
экологик экспертизасини ўтказиш бошқармаси  
бош эксперти

 **М.С. Малышев**

Марказ бош юрисконсулти

 **Д. Махмудов**